

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАЎБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD. 12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

ЮНУСОВ ШОХРУХ ТЕМУРМАЛИКОВИЧ

**ТАЪЛИМНИ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ- 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Юнусов Шохрух Темурмаликович

Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасаси халқаро
хамкорлигини ривожлантиришни бошқариш механизмларини
такомиллаштириш 3

Юнусов Шохрух Темурмаликович

Совершенствование механизмов управления развитием международного
сотрудничества высшего образовательного учреждения в условиях
интернационализации образования 21

Yunusov Shokhrukh Temurmaliyevich

Enhancement of management mechanisms of international cooperation
development of a higher educational institution in context of internationalization of
education 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАЎБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD. 12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

ЮНУСОВ ШОХРУХ ТЕМУРМАЛИКОВИЧ

**ТАЪЛИМНИ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ- 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped784 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.mdomoi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Закирова Феруза Махмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Магруппов Абдулла Махмудович
педагогика фанлари доктори, профессор

Исмандияров Яшин Уткирович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 12/30.12.2019.ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20 август» соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64 уй. Тел.: (+998) 78 150 01 27; факс: (+998) 78 150 01 27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация билан Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64 уй. Тел.: (+998) 78 150 01 27; факс: (+998) 78 150 01 27.

Диссертация автореферати 2020 йил «5 август» куни тарқатилди.
(2020 йил «4» 08 даги 17 - рақамли реестр баённомаси).



К.Т.Олимов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Д.О.Химматалиев
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари доктори (DSc)

Н.Х.Раҳманкулова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жамиятнинг барча жабҳаларида рўй бераётган глобал интеграция жараёнлари жаҳон ҳамжамияти эътиборини таълимни ривожлантириш масалаларига қаратмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясида қабул қилинган “2030 йилгача барқарор ривожланиш (SDGs) мақсадлари”даги асосий вазифалар қаторида, шу жумладан халқаро ҳамкорлик орқали таълим олишда, шу жумладан олий таълим олишда тенг имконият ва шароитларни яратиш, юқори малакали ўқитувчилар сонини ошириш белгилаб қўйилган. Буларнинг барчаси таълим сифатини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга йўналтирилган таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни шакллантириш заруратини вужудга келтирди.

Жаҳон амалиётида олий таълимни глобаллаштириш ва халқаролаштириш, таълим муҳитини интеграцияси, олий таълим муассасалари халқаро ҳамкорлигининг турли жиҳатлари, таълим хизматлари халқаро бозорини шакллантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи каби ташкилот ва тузилмаларда талабалар, ўқитувчилар, олимларнинг академик мобиллигини кенгайтиришга, таълим тизими ва мутахассислар тайёрлаш даражасини тенглаштиришга, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга, қўшма таълим дастурлари ва илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада олий таълим тизимини мақсадли ислоҳ қилиш натижасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янгилаш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани татбиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. “...ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш...”¹ бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш замонавий олий таълим муассасасининг халқаро алоқаларини ривожлантиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга, шунингдек, ушбу жараённи бошқариш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни долзарблаштиради.

Ушбу диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги №ПФ-4947-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-2909-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-2909-сонли қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 10 май, 18-сон, 313-модда

тўғрисида”ги №ПФ-5763-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги №ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-5847-сонли шу соҳага оид фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим муассасалари фаолиятининг назарий ва амалий масалалари ҳамда олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини такомиллаштириш муаммолари Р.Ш.Ахлиддинов, Ф.А.Акрамова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Жўраев, Я.У.Исмадияров, У.И.Иноятов, Р.Г.Исянов, М.Б.Матназарова, С.Т.Турғунов, Ю.К.Рахмонова, М.У.Турсунова сингари юртимизнинг қатор олимлари тадқиқотларида ёритилган.

Таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги муаммолари М.Л.Агранович, Т.Л.Биков, Е.А.Горбошко, А.С.Елкина, Ю.В.Иголинская, И.В.Рыжкова, Т.А.Циганков, Г.И.Шибиченко, Н.А.Юхнева, Р.А.Аязбекова, Н.В.Уйсимбаева каби МДХ мамлакатлари олимлари ишларида ўз аксини топган.

Хориж олимларидан олий таълимни халқаролаштиришнинг турли жиҳатлари P.G.Altebach, J.Knight, H.de Wit, E.Jones, R.Brooks, J.Waters, F.Huang, C.F.Nissan томонидан тадқиқ этилган.

Назарий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш муаммолари таълимни халқаролаштириш шароитида халқаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш нуктаи назаридан тўлиқ ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши “Ўзбекистон олий таълим жараёнларини халқаролаштириш ва модернизация қилиш 561624-ЕРР-1-2015-10К-ЕРРКА2-СВНЕ-5Р:ІМЕР” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Бош илмий методик марказнинг илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш учун унинг бошқарув механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ташқи ва ички муҳитини тадқиқ этиш;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш моделини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини текшириш;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мониторингининг асосий жиҳатларини очиб бериш;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мониторингини самарали ташкил этишнинг ташкилий-педагогик шартларини белгилаш.

Тадқиқот объекти сифатида таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш жараёни белгиланган.

Тадқиқот предмети таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришнинг шакллари ва ташкил этиш усуллари, баҳолаш мезонлари ва мониторинги .

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий адабиёт ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, эксперт баҳолаш, математик-статистик ишлов бериш ва тажриба натижаларини таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги тушунчаси олий таълим муассасасининг ташқи ва ички муҳитининг муҳим хусусиятларини очиб бериш асосида аниқлаштирилган;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ёндашув стратегик ва лойиҳавий ёндашувларнинг уйғунлашуви орқали такомиллаштирилиб, стратегик режалаштириш асосида унинг амалга оширилишини бошқариш имкони очиб берилган;

таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш модели халқаро ҳамкорликнинг бошқарув стратегияси, лойиҳавий амалга ошириш, ташкилий таъминлаш ва баҳолаш мезонларини ўзида мужассамлаштирган тўрт компонентли тизимни белгилаш орқали ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини таъминлаш асосида олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигининг аспект хусусиятлари халқаро имидж, халқаро таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятларини белгилаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш стратегиясини тайёрлашнинг амалий жиҳатлари очиб берилган;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш стратегиясининг лойиҳавий амалга ошириш тартиби аниқлаб берилган;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини амалга оширишнинг ташкилий таъминлаш жиҳатлари ёритилган;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилган;

олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мониторингини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ҳамда унинг асосий жиҳатлари ва ташкилий-педагогик шартлари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбалардан олинган ёндашув ва методларни қўллаш, назарий маълумотлардан фойдаланиш, келтирилган таҳлилларнинг асосланганлиги ва тажриба ишларининг самарадорлиги, натижаларни математик статистика методлари билан асослаш, хулосалар, таклифлар ва тавсияларни амалиётга татбиқ қилиш, олинган натижаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш моделини илмий асослаш, олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мониторингининг баҳолаш мезонлари, мақсад ва вазифаларини, унинг асосий жиҳатлари ва самарали амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шартларини белгилаш билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотининг яратиш жараёнида олинган назарий ва эмпирик натижалардан педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида фойдаланиш имконияти билан белгиланади. Диссертация тадқиқоти давомида тайёрланган усуллар мажмуаси (Олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мезонларини экспертлар томонидан баҳолаш сўровномаси; Олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш моделининг самарадорлигини экспертлар томонидан баҳолаш сўровномаси) ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш, уни мониторинг қилиш ҳамда замонавий олий таълим муассасасининг фаолиятини истиқболда тадқиқ этишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот иши натижалари асосида:

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришда стратегик-лойиҳавий ёндашувни қўллаш ҳамда олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мониторингини ташкил қилиш бўйича тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Бош илмий-методик марказида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги №89-03-512-сонли маълумотномаси). Натижада “Таълим тизими менежменти”, “Таълим сифати менежменти”

йўналишлари бўйича малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги замонавий тушунчаси, олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги аспект хусусиятларининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш ҳамда олий таълим муассасалари халқаро ҳамкорлигини бошқариш моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий ғоялар “Ўзбекистон олий таълим жараёнларини халқаролаштириш ва модернизация қилиш 561624-ЕРР-1-2015-10К-ЕРРКА2-СВНЕ-5Р: ІМЕР” лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги №89-03-512-сонли маълумотномаси). Натижада таълим муассасаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича илмий-асосланган ёндашув жорий этилган;

Эксперт сўрови натижаларини саралаш ва таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган ҳамда олий таълим муассасалари халқаро ҳамкорлигининг тўрт омилини ажратиш натижасида 48 статистик муҳим баҳолаш мезонларини бирлаштириш имконини берган таклифлар, шунингдек олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мониторингини самарали ташкил этиш учун ташкилий-педагогик шартлар белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарори лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 4 октябрдаги “Вазирлик марказий аппарати бўлинмаларининг низом ва функционал вазибаларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида”ги 891-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги №89-03-512-сонли маълумотномаси). Натижада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг марказий аппарати таркибида янги бўлинма - “Хорижий талабалар, филиаллар ва қўшма дастурлар билан ишлаш бўлими” ташкил этилиб, ушбу бўлимнинг низоми ва ходимларининг функционал вазибалари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган республика журналларида 7 та ва хорижий журналларида 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқ қилиш усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда олий таълим муассасалари фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни бошқариш, олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришга назарий-методологик ёндашув масалалари ёритилди, шунингдек олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ташқи ва ички муҳити очиб берилди.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, яқин йилларда Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда кенг қамровли ишлар амалга оширилди, олий таълим миллий тизимини халқаро таълим ва илмий тадқиқот муҳитига амалда кириб боришини ҳар томонлама таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўлланилди ва шу билан таълимни халқаролаштиришга мақбул шароитлар яратилди. Турли халқаро таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа дастурлар фаол амалга оширилмоқда, хорижий таълим муассасалари билан шериклик муносабатлари ўрнатилди, мамлакат таълим фаолиятига жалб қилинаётган хорижий илмий-педагогик кадрлар ҳамда таҳсил олаётганлар салмоғи кўпайиб бормоқда. Олий таълим тизимини халқаро эътироф этилган талаблар ва стандартлар даражасига кўтариш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари рейтингини халқаро даражада ошириш бўйича тадбирлар қўлланилмоқда. Олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база ривожланишда давом этмоқда. Буларнинг барчаси олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигига алоҳида мақом бермоқда ва янги яратилган, нисбатан кам ўрганилган халқаролаштириш шароитида ушбу муҳим йўналиш ривожини бошқаришни такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни янада долзарблаштирмоқда.

Олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини тадқиқ этиш жаҳон миқёсида долзарб муаммо ҳисобланиб, бу жараён кундан-кунга олимлар эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Бу ҳолат мустақил давлатларнинг истикболдаги ривожиди самарадор, рақобатбардош таълим хизматлари бозорининг ажралмас роли билан белгиланади ва бунда олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги алоҳида прогрессив-

ривожланувчи моҳият касб этиб, таълим муассасаси фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи муҳим йўналиш сифатида ажратилади. Ривожланган халқаро ҳамкорлик олий таълим муассасасига илмий педагогик кадрлар фаолияти учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, моддий техник базани ривожлантириш, таълим сифатини туширмай таълим олувчиларнинг янада кўпроқ миқдорини қамраб олиш, замон талабларига жавоб берадиган янги таълим йўналишларини очиш, фан, таълимни ривожлантириш, эҳтиёж талабига жавоб берадиган мутахассисларни ҳамкорликда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва шу каби ишларни амалга ошириш имконини беради.

Олимларнинг илмий тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатдики, олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги сифатида хорижий таълим ва илмий муассасалар билан эркин ва тенг ҳуқуқли ўзаро муносабатларни ҳамда амалдаги қонунчилик асосида халқаро илмий ва таълим ташкилотлари билан интеллектуал захиралар алмашиш, академик мобиллик, маданиятлараро ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўрнатиладиган алоқаларни тушуниш мумкин.

Илмий адабиётлар таҳлили асосида олий таълим муассасасининг замонавий тузилишида халқаро ҳамкорлик унинг фаолиятининг барча йўналишларининг табиий ва ажралмас таркиби сифатида намоён бўлиб, олий таълим муассасасининг ташқи ва ички муҳитини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиши аниқланди.

Олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришнинг назарий-методологик ёндашувларини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, аксарият олимларнинг фикрига кўра ривожланишни бошқариш жараёнининг ўзи мураккаб, карама-қарши ва кўп қиррали ҳодиса сифатида тавсифланади. Бу ҳолат ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга бўлган замонавий олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда кўплаб амалдаги ёндашувларни кўрсатиб берди.

Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, халқаро ҳамкорликни мақсадли равишда ривожлантиришга ҳамда аниқ натижаларга эришишга бўлган актуал заруратдан келиб чиқиб, замонавий олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш учун унинг стратегик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳавий ёндашувни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир (стратегик-лойиҳавий ёндашув).

Замонавий олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришга таклиф этиладиган стратегик-лойиҳавий ёндашув ўз моҳиятига кўра икки асосий ёндашувнинг (стратегик ва лойиҳавий) уйғунлашуви бўлиб, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини алоҳида лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш орқали очиб беришга имкон беради. Бундай ёндашув, бир томондан, халқаро ҳамкорликнинг истиқболдаги ривожиди тасаввур қилиш қийин бўлган стратегик мақсадларга эришиш имконини беради, бошқа томондан, қисқароқ

муддатларга мўлжалланган турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали стратегик мақсадларга эришиш йўлларини тезлик билан ўзгартириш имконини беради.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш ўз моҳиятига кўра кўп қиррали, комплекс ва ўзгарувчан жараёни акс эттиради. Бу жараёнда таълим муассасасининг ҳам ички, ҳам ташқи муҳити хусусиятларини ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Тадқиқот жараёнида хорижий таълим муассасалари тажрибасини умумлаштириш натижасида олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигининг 74 та аспект хусусиятларининг кучли ва заиф томонларини кўрсатиш имкониятини яратди. Булардан ташқари, ички ва ташқи муҳитнинг аниқланган хусусиятлари стратегик-лойиҳавий ёндашувдан фойдаланган пайтда олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришнинг объектив мезонларини шакллантириш имконини беради.

Диссертациянинг **“Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш модели”** номли иккинчи бобида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш бўйича тайёрланган моделнинг таркибий структураси ҳамда унинг асосий таркибий қисмлари кўриб чиқилган.


Назарий-методологик ва эмпирик тадқиқотлар натижаларига асосланиб олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш модели тайёрланди (1-расм).

Тайёрланган модел асосини қуйидаги тўртта ўзаро боғлиқ бўлган таркибий қисмлар ташкил этади:

- олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш стратегияси;
- олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш стратегиясини лойиҳавий амалга ошириш;
- олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини амалга оширишнинг ташкилий таъминоти;
- олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолаш мезонлари.

Ушбу таркибий қисмларга одатда даврийлик хусусияти билан ажралиб турадиган, мантиқий жиҳатдан бир-биридан келиб чиқадиган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган, мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар динамик мажмуи ва алгоритми сифатида қараш лозим. Шу билан бирга тесқари алоқа, шунингдек ҳар бир шартли равишда ажратилган таркибий қисмларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ҳам мавжуд.

Олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш мақсадида махсус эксперт сўровномаси тайёрланган. Ушбу сўровноманинг асосини мазкур диссертация тадқиқотининг биринчи бобида ажратилиб кўрсатилган халқаро ҳамкорлик соҳасидаги олий таълим муассасасининг ташқи ва ички муҳитини таҳлил қилиш жиҳатлари ташкил этди.



1-расм. Замонавий олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш модели

Эксперт сўровномаси олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигининг баҳоланиши лозим бўлган 74 та хусусиятларни (мезонлар) қамраб олди. Эмпирик тадқиқотга эксперт сифатида 183 респондент жалб этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мезонларини баҳолашда қатнашган экспертлар танламаси тавсифи (n=183)

Экспертлар тоифаси	Олий таълим муассасаларида иш стажи					
	10 йилдан 15 йилгача		16 йилдан 20 йилгача		21 йил ва ундан ортиқ	
	сони	%	сони	%	сони	%
Таълим менежерлари	8	4,4	10	5,5	23	12,6
Ўқитувчилар	52	28,4	48	26,2	42	23,0
Жами	60	32,8	58	31,7	65	35,5


Ўтказилган эксперт сўровномаси натижалари бўйича ҳар бир мезон бўйича ўртача статистик балл ҳисоблаб чиқилди. 8 ва ундан ортиқ балл олган мезонлар, яъни экспертлар томонидан ўртачадан юқорироқ баҳоланганлар алоҳида жадвалда умумлаштирилди.

Шундай қилиб, экспертларнинг фикрига кўра, тақдим этилган 74 та мезонлардан 48 (64,9%)таси замонавий олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолаш учун ўртачадан юқорироққа мос келади. Шунга кўра 26 (35,1%)та мезонлар нисбатан аҳамиятсиз деб баҳоланди. Муҳим мезонларни ажратиб олиниши эксперт баҳолари натижаларининг омилли таҳлилини ўтказишга имкон берди. Амалга оширилган таҳлил натижасида баҳолашнинг статистик аҳамиятли мезонларини қамраб олувчи 4 та омил аниқланди (2-расм).

Аҳамиятига кўра биринчи омил (4,9) олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолашнинг 12 та мезонларини қамраб олди. Маъновий мазмунидан келиб чиқиб, ушбу омил олий таълим муассасасининг халқаро имиджи деб номланди.

Аҳамиятига кўра иккинчи омил (3,4) олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолашнинг 11 та мезонларини қамраб олди. Маъновий мазмунидан келиб чиқиб, мазкур омил олий таълим муассасасининг халқаро таълим фаолияти деб номланди.

Аҳамиятига кўра учинчи омил (3,2) олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолашнинг навбатдаги 14 та мезонларини қамраб олди. Маъновий мазмундан келиб чиқиб, ушбу омил олий таълим муассасасининг халқаро илмий фаолияти деб номланди.



2-расм. Респондентларнинг олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги актуал мезонларини аниқлаш бўйича эксперт баҳолашнинг омилли таҳлили натижалари (n=183).

Аҳамиятига кўра сўнгги тўртинчи омил (3,2) олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини баҳолашнинг 11 та мезонларини қамраб олди. Маъновий мазмундан келиб чиқиб, ушбу омил олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини таъминлаш деб номланди.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаси амалиётида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни бошқариш учун тайёрланган моделни амалга ошириш узок муддатга мўлжалланган. Бу ҳолат, энг аввало, стратегик мақсадларга эришишнинг давомийлиги, шунингдек стратегиянинг нисбатан тармоқланган лойиҳалар орқали амалга оширилиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари, бу ҳолат халқаро ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясини белгилаш тизимининг нисбатан мураккаблигидан, ҳар бир олий таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларидан, унинг ички ва ташқи муҳитидан, мавжуд ресурслар бюджетидан ҳамда шахсий мақсадларга мувофиқ келувчи турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали айнан шу олий таълим муассасасига хос бўлган стратегик чораларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Шу муносабат билан олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш учун таклиф этилаётган модел самарадорлигини амалда ва ушбу диссертация тадқиқоти доирасида баҳолаш кўп йиллик тажриба ишларини талаб қилади.

Мазкур муаммони узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ишланмаларнинг самарадорлигини эксперт баҳолаш ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Шу мақсадда биз таклиф этган моделнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган махсус эксперт сўровномасини ишлаб чиқдик.

Эксперт сифатида етарли педагогик иш стажига эга бўлган аёл (69 киши, 53,1%) ва эркак (61 киши, 46,9%) жинсига мансуб 130 нафар респондентлар сўровномага жалб этилди, шу жумладан 50 (38,5%) нафари олий таълим муассасалари халқаро алоқалар бўлим бошлиқлари ва 80 (61,5%) нафари таълим менежерлари.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти (126 киши, 96,9%) биринчи саволга – “Сизнингча, замонавий олий таълим муассасаларида таклиф этилаётган моделга амалий эҳтиёж борми?” – деган саволга “ҳа” деб жавоб берган. Мазкур факт тайёрланган моделнинг олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун мослигини тасдиқлайди.

“Сизнингча, таклиф этилаётган модел замонавий олий таълим муассасасининг педагогик кадрлари учун тушунарли ва мақбулми?” – деган иккинчи саволга аксарият экспертлар - 88 киши, 67,7% “ҳа” деб; 42 киши, 32,2% “йўқдан кўра кўпроқ ҳа” деб жавоб берган. Маълумки, ҳар қандай янги ишланманинг тушунарли идрок этилиши унинг самарадорлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Негаки, таклиф ва татбиқ этилаётган янгиликларнинг моҳиятини тушунмаслик, одатда, нотўғри ва хато хулосаларга олиб келади, бу эса ўз навбатида, тўғрилаб бўлмас самарасизликни вужудга келтиради.

“Сизнингча, тайёрланган модел олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш имкониятини берадими?” - деган учинчи саволга экспертларнинг аксарият кўпчилиги (130 киши, 100%) “ҳа” деб жавоб берган. Ушбу савол кўп жиҳатдан моделнинг тўғридан-тўғри мақсадини тавсифлайди, олинган эксперт жавоблар эса унинг мақсади халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни бошқаришга йўналтирилганлигини тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча, бу факт муҳим деб ҳисобланади, бир томондан, аввалги саволга (яъни моделнинг аниқ тушунарли эканлиги ҳақидаги саволга) жавобларнинг ишончлилигини, бошқа томондан тайёрланган моделнинг яроқли бўлишлигини ифодалайди.

“Таклиф этилаётган модел замонавий олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни самарали бошқаришнинг илмий асосланган усули деб айтиш мумкинми?” деган тўртинчи саволга респондентларнинг аксарияти (129 киши, 99,2%) “ҳа” деб жавоб берган. Моҳиятан, моделнинг илмий асосланганлиги, танланган назарий-методологик ёндашувни мақсадга мувофиқлиги, долзарб муаммонинг исботланганлиги, самарадорлиги ва бошқа нуқтаи назарлардан уни барча соҳаларда қўллаш мумкинлигини таъкидлайди.

“Таклиф этилаётган модел сиз меҳнат қилаётган олий таълим муассасаси амалиётида самарали қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайсизми? деган сўнгги саволга кўпчилик экспертлар, яъни 111 киши, 85,4% “ҳа”, 19 киши 14,6%

“йўқдан кўра кўпроқ ҳа” деб жавоб берган. Бизнингча, бу асосий саволга экспертлардан олинган жавоблар тайёрланган моделни етарли даражада амалий самара беришини исботлайди.

Шундай қилиб, халқаро ҳамкорликнинг бошқарув стратегияси, лойиҳавий амалга ошириш, ташкилий таъминлаш ва баҳолаш мезонларини ўзида мужассамлаштирган тўрт компонентли тизимни белгилаш орқали таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш моделининг самаралилиги исботланди.

Диссертациянинг “Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасалари халқаро ҳамкорлигининг мониторинги хусусиятлари” деб номланган учинчи боби олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мониторингининг асосий қоидаларига, шунингдек олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мониторингини самарали ташкил этишнинг ташкилий-педагогик шартларини тадқиқ этишга бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, замонавий олий ўқув юртининг халқаро ҳамкорлигини мониторинг қилиш нафақат халқаро ҳамкорлик субъектлари фаолияти натижаларини кузатишга, балки уларнинг фаолияти сифатига ҳам таъсир қилади.

Халқаро ҳамкорлик мониторинги, ахборот тизими сифатида, биз қуйида ажратиб кўрсатган ва гуруҳлаган мезонларнинг узлуксиз кузатилиши туфайли доимий равишда янгилашиб ва тўлдирилиб борилади:

1) халқаро имидж: ижобий имидж (0,7), халқаро ташкилотлар ва фондларга аъзо бўлиши (0,69), бренднинг мавжудлиги (0,65), маркетинг хизмати иши (0,58), чет элда филиалларнинг мавжудлиги (0,56), чет эллик талабаларни жалб қилиш (0,54), кўшимча молиялаштиришни жалб қилиш (0,52), халқаро даражада реклама қилиш (0,49), халқаро стратегияси (0,49), халқаро дастурлардаги имиджи (0,49), халқаро рейтинги (0,45), халқаро хизматнинг таркиби (0,43);

2) халқаро таълим фаолияти: кўшма таълим дастурларининг камлиги (0,69), чет эллик абитуриентлар (0,63), магистратура тайёрлаш сифатининг пасайиши, талабаларнинг амалий машғулотларининг етарли эмаслиги (0,56), чет эл фуқароларини ўқитиш учун кенг қамровли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар мавжудлиги (0,54), таълим дастурлари учун халқаро фондлар маблағларини жалб қилиш (0,52), янги йўналиш ва мутахассисликларни очиш (0,51), масофавий таълим (0,51), кўшма таълим дастурларини яратиш (0,51), кўшимча таълим хизматлари (0,45), талабалар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар алмашинуви (0,42), фундаментал тайёргарлик (0,4);

3) халқаро илмий фаолият: кўшма илмий тадқиқотлар (0,62), чет эл олимларини жалб қилиш (0,61), халқаро илмий алоқаларни ўрнатиш (0,56), чет эл докторантлари (0,55), кўшма лабораториялар, технопарклар (0,54), халқаро конференциялар (0,54), халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари (0,53), профессор-ўқитувчиларнинг чет элда олиб борилаётган илмий-тадқиқот

ишлари (0,53), илмий ишланмалар натижаларини халқаро бозорга татбиқ этиш (0,53), фанга халқаро фондларнинг маблағларини жалб қилиш (0,5), халқаро илмий ва метрик маълумотлар базаларида профессор-ўқитувчиларнинг рейтинги (0,5), индивидуал грантларни олган олимлар сони (0,49), қўшма илмий дастурлар (0,49), чет тилини билиш даражаси (0,48);

4) халқаро ҳамкорликни таъминлаш: юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги (0,61), халқаро тадбирлардан тушган бюджетдан ташқари маблағлар миқдори (0,59), компьютер техникалари (0,58), энг янги ускуналар (0,55), ёш илмий ходимлар (0,55), халқаро фаолиятдан тушадиган қўшимча бюджетдан ташқари маблағлар (0,55), ахборот манбалари билан таъминлаш (0,53), чет эллик талабалар, докторантлар ва ўқитувчилар учун ётоқхоналар (0,52), электрон кутубхоналардан фойдаланиш (0,51), замонавий моддий-техник база (0,5), замонавий кутубхона (0,48).

Замонавий олий ўқув юртининг халқаро ҳамкорлиги мониторинги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жорий назорат ва мониторинг;

- халқаро ҳамкорликни узоқ муддатли прогнозлаш бўйича ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиш учун ҳолатни ўз вақтида баҳолаш ва тузатиш.

Замонавий олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини мониторинг қилиш қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- тайёргарлик (мақсад қўйиш, тегишли вазифаларни ишлаб чиқиш, ўтказиш муддатларини белгилаш ва бошқалар);

- амалий (кузатиш, суҳбат, тест ўтказиш, сўровнома ўтказиш, тегишли тадбирлар ва бошқаларда иштирок этиш йўли билан ахборот тўплаш).

- аналитик (олинган ахборотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, зарурий таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш, хулоса ва яқунларни шакллантириш) сингари асосий босқичларни назарда тутати.

Тадқиқот давомида олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлиги мониторингини самарали ташкил этиш учун қуйидаги ташкилий-педагогик шартлар аниқланди:

- мониторинг фаолиятига мутахассисларни махсус тайёрлаш, бу замонавий олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мониторингини талаб даражасида ташкил қилиш учун муҳим ва зарурий шарт ҳисобланади;

- замонавий олий таълим муассасасининг барча бўлинмалари шунингдек, қўшимча мустақил кузатувчи ва экспертларнинг фаол иштироки асосида халқаро ҳамкорлик мониторингини ўтказиш;

- мониторинг жараёнини илмий-методик воситалар (методология, баҳолаш мезонлари тизими, ўлчаш воситалари ва бошқалар) билан етарли даражада таъминлаш.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари халқаро ҳамкорлигини тадқиқ этиш

жаҳонда долзарб муаммо ҳисобланиб, кундан кунга тобора кўпроқ олимларнинг эътиборини тортмоқда. Замонавий шароитда халқаро ҳамкорлик тақдим этилаётган таълим хизматларининг янги сифатини ривожлантириш учун фаолиятнинг истиқболли ва самарали йўналишларидан бири бўлиб, олий таълим муассасасининг ички ва ташқи муҳитида обрў ва рақобатбардошликни оширишнинг таъсирчан усулига айланди.

2. Таълимни халқаролаштириш шароитида олий таълим муассасаси фаолиятининг хусусиятларини ҳамда унинг халқаро ҳамкорлигини мақсадли равишда ривожлантириш зарурати, аниқ натижаларга эришиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқаришга унинг стратегик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда стратегик-лойиҳавий ёндашувни ажратиб кўрсатиш таклиф этилади. Бундай ёндашув, бир томондан, стратегик мақсадларга эришишга имкон беради, бошқа томондан эса қисқа муддатга мўлжалланган турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали стратегик мақсадларга эришиш йўллари керакли пайтда ўзгартиришга имкон беради.

3. Назарий-методологик ва эмпирик тадқиқотлар натижалари олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш моделини ишлаб чиқиш имкониятини яратди. Мазкур моделнинг асосини бошқарув стратегияси, уни лойиҳавий амалга ошириш, ушбу жараёни ташкилий таъминлаш ва тегишли мезонлар билан баҳолашни акс эттирувчи тўртта ўзаро боғлиқ компонентлар ташкил қилади. Ажратиб кўрсатилган компонентлар бир-биридан мантикий келиб чиқадиган мақсадли ҳаракатлар, ўзаро бир-бирини тақозо этадиган даврийлик характериға эға жараёнларнинг ўзаро боғлиқ динамик мажмуидан иборат. Тадқиқот давомида эксперт баҳоларига асосланиб, олий таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш модели самарадорлиги исботланди.

4. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, халқаро ҳамкорлик мониторинги авваламбор ахборот тизими сифатида доимий равишда янгиланиб, тўлдирилиб бормоқда. Бу ҳолат халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни истиқболли башорат қилиш (такомиллаштириш) бўйича ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида жорий назорат, ўз вақтида баҳолаш, тузатиш киритишни мужассамлаштирувчи таклиф этилган мезонлар устидан кузатувнинг узлуксизлиги билан боғлиқ.

5. Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мониторингини ташкил қилиш самарадорлиги қуйидаги қатор ташкилий-педагогик шароитларни таъминлашни талаб қилади: замонавий олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлиги мониторингини талаб даражасида ташкил этишнинг муҳим ва зарурий шarti ҳисобланадиган мониторинг фаолияти учун мутахассислар тайёрлаш; олий таълим муассасаларининг тегишли (максимал даражада барча) мутахассислари, шунингдек қўшимча (мустақил) кузатувчиларни фаол иштироки асосида халқаро ҳамкорлик мониторингини ўтказиш; мониторинг жараёнини етарли

даражада илмий-методик воситалар (методология, баҳолаш мезонлари тизими, ўлчаш воситалари ва бошқалар) билан тўлиқ таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсидаги мавқеини ошириш мақсадида олий таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган:

1) республика олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги ахборот таъминотини ривожлантириш, унинг натижадорлиги динамикасини таҳлил қилиш ва устувор йўналишларни белгилаш мақсадида электрон мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

2) таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига янги “халқаро ҳамкорликни бошқариш” мутахассислигини киритиш;

3) раҳбар ва педагогик кадрларни узлуксиз малакасини ошириш дастурларига халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни бошқариш бўйича янги ўқув модулини киритиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 12/30.12.2019.Ped.80.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ
РУКОВОДИТЕЛЕЙ И СПЕЦИАЛИСТОВ ДОШКОЛЬНЫХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

**ГОЛОВНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЦЕНТР ПРИ
МИНИСТЕРСТВЕ ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

ЮНУСОВ ШОХРУХ ТЕМУРМАЛИКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ
РАЗВИТИЕМ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ В УСЛОВИЯХ
ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.07 – Менеджмент в образовании

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ- 2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальные интеграционные процессы, протекающие во всех сферах жизнедеятельности общества, усиливают внимание международного сообщества к вопросам развития образования. Так, в Целях устойчивого развития до 2030г. (SDGs), принятых на 70-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН, в качестве актуальных задач определены обеспечение равного доступа к образованию, включая университетскому, увеличение числа квалифицированных учителей, в том числе посредством международного сотрудничества. Это обуславливает необходимость формирования образовательных программ и научных проектов, направленных на консолидацию взаимодействия сторон для решения вопросов, связанных с развитием международного сотрудничества высших образовательных учреждений.

В мировой практике проводятся исследования по глобализации и интернационализации высшего образования, интеграции образовательного пространства, различным аспектам международного сотрудничества высших образовательных учреждений, формированию международного рынка образовательных услуг. В таких организациях и структурах, как ЮНЕСКО, Европейский Союз важное значение уделяется расширению академической мобильности студентов, преподавателей, учёных, выравниванию уровня образовательных систем и подготовки специалистов, развитию профессиональной компетенции педагогов, реализации совместных образовательных программ и научных исследований.

В результате целенаправленного реформирования системы высшего образования республики осуществлена широкомасштабная работа по модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений, улучшению качества подготовки специалистов, внедрения в учебный процесс передового международного опыта. Определены приоритетные задачи по «...установлению каждым высшим образовательным учреждением страны тесных перспективных партнерских отношений с ведущими профильными зарубежными научно-образовательными учреждениями...»¹. Реализация поставленных задач актуализирует исследования, направленные на выработку эффективных методов развития международного сотрудничества современных высших образовательных учреждений, а также совершенствования механизмов управления данным процессом.

Настоящая диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан №2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20.04.2017г. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 10 мая 2017 г., №18, ст. 313.

развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №УП-5763 «О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования» от 11 июля 2019 года, №ПП-4391 «О мерах по внедрению новых принципов управления в систему высшего и среднего специального образования» от 11 июля 2019 года, №УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 08.10.2019г. и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретические и практические аспекты деятельности образовательных учреждений и проблемы совершенствования международного сотрудничества высшего образовательного учреждения освещены в работах таких отечественных ученых, как Р.Ш. Ахлиддинов, Ф.А. Акрамова, У.Ш. Бегимкулов, Р.Х. Джураев, Я.У. Исмадияров, У.И. Иноят, Р.Г. Исянов, М.Б. Матназарова, С.Т. Тургунов, Ю.К. Рахманова, М.У. Турсунова и др.

Проблемы международного сотрудничества учебных заведений получили отражение в исследованиях таких ученых СНГ, как М.Л. Агранович, Т.Л. Быкова, Е.А. Горбашко, А.С. Елкина, Ю.В. Иголинская, И.В. Рыжкова, П.А. Цыганков, Г.И. Шибиченко, Н.А. Юхнева, Р.А. Аязбекова Н.В. Уйсимбаева и др.

Среди зарубежных исследователей различные аспекты интернационализации высшего образования изучались такими учеными, как P.G. Altbach, J. Knight, H. de Wit, E. Jones, R. Brooks, J. Waters, F. Huang, C.F. Nissen.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках планов научно-исследовательских работ Головного научно-методического центра при Министерстве высшего и среднего специального образования в рамках проекта «561624-EPP-1-2015-1UK-EPPKA2-SVNE-SP: IMEP: Интернационализация и модернизация образования и процессов в высшем образовании Узбекистана».

Цель исследования: совершенствование механизмов управления для повышения эффективности международного сотрудничества высших образовательных учреждений в условиях интернационализации образования.

Задачи исследования:

исследовать внешнюю и внутреннюю среду высших образовательных учреждений в сфере международного сотрудничества;

разработать модель управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения и проверить её эффективность;

раскрыть основные положения мониторинга международного сотрудничества высшего образовательного учреждения;

определить организационно-педагогические условия эффективной организации мониторинга международного сотрудничества высшего образовательного учреждения.

Объектом исследования является процесс управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения в условиях интернационализации образования.

Предметом исследования являются формы и методы организации, критериальные оценки и мониторинг управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения в условиях интернационализации образования.

Методы исследования. В исследовании использованы такие методы, как анализ научной литературы и нормативно-правовых актов, экспертная оценка, математико-статистическая обработка и анализ результатов эксперимента.

Научная новизна диссертационного исследования заключается в следующем:

уточнено понятие международного сотрудничества высшего образовательного учреждения на основе раскрытия сущностных характеристик внешней и внутренней среды высшего образовательного учреждения;

совершенствован подход к управлению развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения путем симбиоза стратегического и проектного подходов, позволяющий управлять ходом её реализации на основе стратегического планирования;

разработана модель управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения в условиях интернационализации образования на основе выделения её четырехкомпонентной структуры, объединившая стратегию управления, проектную реализацию, организационное сопровождение и критериальную оценку международного сотрудничества;

